



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«UNIVERSAL SUG`URTA» АЖ
Кузатув Кенгаши Раиси

Ш.М. Ирчаева

«UNIVERSAL SUG`URTA» АЖ
Кузатув Кенгаши баённомаси
№ 21 от 17.11.2017 г.

**2018 йил учун
"UNIVERSAL SUG`URTA"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**

БИЗНЕС - РЕЖАСИ

Тошкент 2017

МУНДАРИЖА:

- 1. «Universal Sug`urta» АЖ түғрисида қисқача маълумот**
- 2. Сугурта бозори таҳлили**
- 3. 2017 йил 9 ойлик якунлари бўйича Компаниянинг сугурта бозоридаги ўрни**
- 4. 2017 йил 11 ойлик якунлари бўйича амалга оширилган ишлар түғрисида қисқача маълумот**
- 5. 2018 йил учун Компаниянинг ривожланиш стратегияси**
- 6. 2018 йил учун молия режаси**

«Universal Sug`urta» АЖ тўғрисида қисқача маълумот

1. Компания номи.

**«Universal Sug`urta» Акциядорлик жамияти, қисқача номланиши
«Universal Sug`urta» АЖ.**

2. Мулкчилик шакли:

Акциядорлик жамияти

3. Жойлашган ери ва банк маълумотлари:

Ўзбекистон Республикаси, 100077 Тошкент ш., Буюк Ипак йули кўчаси 218-220 уй

**Банк маълумотлари: x/в 2021 6000 5001 2295 3001 «Универсалбанк» ХАТБ
Тошкент филиали**

4. Солиқ органи номи ва СТИР:

**Тошкент шаҳри Мирзо-Улугбек тумани Давлат Солиқ инспекцияси
СТИР 200 811 765**

5. Давлат рўйхатидан ўтган рақам ва санаси ва Жамиятни юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказган орган:

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги:

2003 йил 24 июл 189-сон билан.

2007 йил 19 ноябрь 189-сон билан.- Уставнинг янги таҳририни рўйхатдан ўтказиш;

2008 йил 14 январь 189-сон билан.- Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2008 йил 2 декабрь 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2009 йил 30 июль 254-сон билан.- Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2009 йил 16 декабрь 189-сон билан.- Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2009 йил 30 декабрь 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2011 йил 13 июль 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2012 йил 20 июнь 189-сон билан. – Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2014 йил 26 май 189-сон билан. - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2014 йил 25 июнь 189-сон билан - Уставнинг янги таҳририни рўйхатдан ўтказиш;

2014 йил 26 сентябрь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2015 йил 11 июнь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

2016 йил 13 декабрь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиши.

2017 йил 14 июнь 189-сон билан - - Уставга ўзгартиш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиши.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг сұғурта фаолиятини амалга ошириш ҳукуқини берувчи лицензия

30.12.2015 йилда СФ № 00210-рақам билан берилган

7. Шакллантирилган устав фондининг миқдори 12 505 660 000 сум сўмни ташкил этади.
8. Молиявий барқарорлик рейтинги:
«uzA+» - «Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги томонидан берилган молиявий барқарорликнинг энг юқори даражаси

Сұғурта бозорини таҳлили

Прогноз бўйича, 2017 йил 9 ойлик якунлари бўйича сұғурталовчилар томонидан 622,34 млрд. сўм миқдорида сұғурта мукофоти йиғилган бўлиб, ўтган йил кўрсаткичларига нисбатан 124,4 фоиз ўсишни кўрсатади, хусусан:

- ихтиёрий турдаги сұғурта бўйича – 654,28 млрд.сўм - 132 %га ўсиш
- мажбурий турдаги сұғурта бўйича - 168,05 млрд.сўм – 108%га ўсиш

Шу билан бир қаторда, 2017 йил 9 ойлик якунлари бўйича сұғуртанинг барча турлари бўйича сұғурталовчилар томонидан амалга оширилган сұғурта тўловлари суммаси умумий қиймати 197,71 млрд сўмни ташкил этди, бу эса ўз навбатида 2016 йил натижасига нисбатан 209,3% фоиз ўсишни намойиш этади, хусусан:

- ихтиёрий турдаги сұғурта бўйича – 148,23 млрд.сўм - 238 %га ўсиш
- мажбурий турдаги сұғурта бўйича - 49,47 млрд.сўм – 152%га ўсиш

2017 йил 9 ойлик якунлари бўйича сұғурта тўловларининг ҳажми динамикаси (ўзгариш суръати) сұғурта тўловларининг ўсиш суръати сұғурта мукофотини йиғими суръатидан юқориилигини кўрсатади.

2017 йилда сұғурта тўловларининг ўсиши ихтиёрий сұғурта бўйича тўловларни ўсиши ҳисобига тўғри келади.

Шу билан бирга, сұғурта мукофотлари зааралилик даражаси тахминан 31,76% ни ташкил этишини, бу эса ўтган йил кўрсаткичларидан юқориилигини ва хорижий бозордагига нисбатан паст даражада эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Компаниянинг сұғурта бозоридаги ўрни

2017 йил 9 ойлиги якунлари бўйича «Universal Sugurta» АЖ суғурта мукофоти йигими тахминан 10 098,16 млн.сўмни ташкил этган бўлиб, суғурта бозоридаги суғурта мукофотлари умумий ҳажмининг 1,62 %ига тўғри келади ва бозорда 18 ўринни эгаллайди (прогноз бўйича 2017 йилда Компаниянинг суғурта мукофоти йигими 14 500 млн.сўм атрофида ташкил этади).

Дастлабки натижаларга қўра, «Universal Sugurta» АЖ суғурта мукофоти йигими ўтган йил натижалари билан таққослагандага, 20%га ўсганлигини намойиш этди.

2017 йил 9 ойлиги якунлари бўйича суғурта тўловлари ҳажми 760,7 млн сўмни ташкил этиб, бу бозордаги суғурта тўловлари ҳажмининг 0,38% и демакдир, зааралилик даражаси эса 10,31%ни ташкил этган (бозор бўйича зааралилик даражаси 31,76%ни кўрсатган). Йил натижаси бўйича тахминий зааралилик шу 10,31 % даражада қолиши мумкин.

2017 йил 11 ойлик якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача маълумот

Жорий йилнинг 11 ойи давомида бизнес-режада белгиланган мақсадларга мувофиқ куйидаги ишлар амалга оширилди:

1. 2017 йил 9 ойи давомида 10098,16 млн.сўм миқдоридаги суғурта мукофоти йифилган бўлиб, бу кўрсаткич йилнинг якунига бориб тахминан 14.5 млрд.сўмни ташкил этиши прогноз қилинмоқда, бу эса 2017 йил учун белгиланган режанинг тахминан 92,0% ёки бўлмаса ўтган йилдаги йигимнинг 20% ни ташкил этади. (2016 йилда 12 058 млн сўм миқдорида мукофот йифилган).
2. Сотувни кўпайтириш ва Жамиятнинг ривожланиш стратегиясида кўзда тутилган вазифаларга эришиш учун янги бўлимларни очиш ҳамда сотув бўлинмаларидағи ишчиларнинг миқдорий ва профессионал таркибини ошириш орқали Компаниянинг худудий тармоқларини мустахкамлаш кўзда тутилган эди. Шу мақсадда 2017 йил давомида минтақавий филиаллarda 4 та бўлим очилди. Бухоро вилояти филиалида Бухоро шахар бўлими, Сурхондарё филиалида Термиз шахар бўлими, Қорақалпоғистон филиалида Нукус шахар бўлими, Жиззах филиалида Жиззах шахар бўлими очилди.
3. Компаниянинг моддий-техник базасини яхшилаш куйидаги асосий воситаларни харид қилиш ҳисобига амалга оширилди:

| Номи | 2017 йилга бюджет бўйича сумма. | 2017 йил давомида харид қилинган . |
|----------------|---------------------------------|------------------------------------|
| Офис жихозлари | 110 000 000 сум | 55 879 000 сум |
| Оргтехника | 160 000 000 сум | 146 089 510 сум |
| Автомашиналар | 680 000 000 сум | 173 152 637 сум |
| Жами | 950 000 000 сум | 375 121 147 сум |

Дастурий маҳсулотларни харид қилиш ва татбиқ этиш йўли билан Компаниянинг ҳисоб ва ҳисботлар тизимини мақбуллаштириш амалга оширилди.

2018 йил учун Компаниянинг ривожланиш стратегияси

2018 йилда Компания фаолиятининг асосий йуналишлари сифатида қўйидагиларни белгилаш зарур:

1. Суғурта мукофотининг тахминий йиғими 22,17 млрд.сўм миқдорида бўлиши.
2. Янги бўлимларни очиш ва сотиш бўйича бўлинмалар ишчиларининг миқдорий ва профессионал таркибини ошириш йўли билан Компаниянинг минтақавий тармоқларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.
3. Компаниянинг сотиш бўйича бўлинмалари ва маъмурий- бошқарув таркиби ишчиларини рағбатлантирувчи тизимларини такомиллаштириш (узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси шартномаларини тузган ҳолда ишчиларнинг ижтимоий қўллаб-куватлашни белгилаш).
4. Кўшимча янги оргтехникаларни харид қилиш, эскирганларини алмаштириш, ва керакли жиҳозлар ва автотранспорт воситаларини харид қилиш йўли билан Компаниянинг, шу билан бирга унинг минтақавий филиалларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

| Номи | 2018 йилда харажатлар суммаси |
|----------------|-------------------------------|
| Офис жиҳозлари | 125 000 000 сум |
| Оргтехника | 165 000 000 сум |
| Автомашиналар | 950 000 000 сум |
| Жами (прогноз) | 1 240 000 000 сум |

5. Сотувни ошириш мақсадида минтақавий филиалларда янги бўлимларни очиш.
6. Компанияни танитиш, янги мижозларни жалб қилиш ва янги суғурта хизматларини таклиф қилиш мақсадида реклама акциясини амалга ошириш.
7. Дастурий маҳсулотларни харид қилиш ва татбиқ этиш йўли билан Компаниянинг ҳисоб ва ҳисботлар тизимини мақбуллаштириш учун тахминан 850 млн сўм миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилади.

2018 йил учун тахминий молиявий қўрсаткичлар

1. Асосий фаолият бўйича даромадлар прогнози

2018 йил учун белгиланган режаларга мувофиқ, суғурта мукофотлари йиғими тахминан 22,17 млрд.сўм миқдорида бўлади .

2. Компаниянинг инвестиция фаолиятидан олинадиган даромади прогнози

Компания ўзининг инвестиция фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти туғрисида”ги, “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти туғрисида”ги, “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари туғрисида”ги

Низомларига – сүгурта ташкилотларинг инвестиция фаолиятига қўйилган талабларга мувофиқ амалга оширади.

Компания тахминан 2.2 млрд.сўм миқдорида инвестициялардан даромад олишни мақсад қилиб қўйган.

3. Компаниянинг харажатлари прогнози

Компаниянинг маъмурий ва бошқа операцион харажатлари

2018 йил учун Компаниянинг операцион харажатлари прогнози 2017 йил 9 ойлик ишлар якуни бўйича жорий харажатлар таҳлилига асосланади. Дастребки ҳисобкитобларга кўра, солиқ ва бюджетга тўловларни инобртга олган ҳолда Компаниянинг операцион харажатлари тахминан 18.2 млрд..сўмни ташкил этади.

Компаниянинг юқорида келтирилган даромал ва харажатларидан келиб чиққан ҳолда 2018 йилдаги тахминий фойдаси 1.2 млрд.сўмни ташкил этади.